Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ✦ № 158 (6. 049) ✦ 1986 йил 11 июль, жума ✦ Баҳоси 3 тийин.




## Мусобақа оммавий ва таъсирчан бўлсин

«КОММУНИСТЛАР ВА КОМСОМОЛЛАР, ИШЧИЛАР ВА КОЛХОЗЧИЛАР, ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАР, УРТОҚЛАР, СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИБ, УН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЕЗДИРИШГА, ДАДИЛ ПЛАНЛАР ВА РЕЖАЛАРНИ АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ЭНЕРГИЯСИГА АЙЛАНТИРИШГА ЧАҚИРАДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан).

# Партком эътиборида

Партия ташкилотининг секретари Иван Васильевич стол устидаги газетани қўлга олди. У КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми материалларига яна бир бор кўз ташлади. Қизил қалам билан чизилган жумлани ўқиди: «миллион-миллион меҳнаткашларнинг активлиги, халқ ижодкорлигининг миқёси ва теранлиги — ҳал қилувчи жадаллаштириш кучи кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг қандай иш тутаётганлигига боғлиқ. Биз инсонни партиявий иш марказига қўйиш орқалигина съезд илгари сурган вазифаларни ҳал эта оламиз. Партиявий ишни тубдан қайта қуришнинг асосий моҳияти ҳам одамларга, жонли ишга эътиборни қаратишдан иборат».

И. Прасолов мусобақа ғолибларига кўз ташлади. Кейинги ой якунлари бўйича 9-қурилиш бошқармаси қурувчилари сифат ва самарадорлик учун интилиб, биринчи ўринни эгаллаган эди. Шунда бошқарма бошлиғи А. Саидов «Бу ойда ҳам биринчиликни қўлдан бермаймиз», деди.

Унинг айтгани бўлаяпти. Бошқарманинг бу ойдаги кўрсаткичлари ҳам ёмон эмас. 10-, 8-қурилиш бошқармалари ҳам ортда қолмаяпти. Партия ташкилоти мусобақанинг самарадорлигига алоҳида эътибор бераяпти.

Трест партия комитети КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материалларини кенг тарғиб қилаётир. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидаги ҳар бир фикр ишчилар онгига етказилаётир.

Трестда Злобин методи асосида ишлаётган бригадаларнинг сони ортиб боряпти. Уларни янада мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш партия ташкилотининг диққат марказида турибди. Трестда илгари 97 та бригада бор эди. Бугунги кунда унинг 7 таси қисқартирилди. Бу эса бир неча минг сўмлик маблағни тежади.

Социалистик мусобақа — маҳсулот сифатини оширишда қудратли куч бўлаётир. Юксак сифат учун курашдаги беллашувда бригадаларнинг янги-янги имкониятлари очилаяпти. 10-қурилиш бошқармасининг Н. Ҳакимжонов етакчилик қилаётган бригадаси мисолида буни яққол кўриш мумкин. Бригада аъзолари Юнусободда яқинда янги мактаб қурилишини ниҳоясига етказдилар. Бугунги кунда улар иккинчи мактаб биносини тезкорлик билан бунёд этишмоқда. Бригада аъзолари бу мактабни ҳам янги ўқув йилигача тугаллашга аҳд қилишган. Бунда Виктор Паевский, Валерий Ганкин, Павел Чебанов сингари коммунист қурувчилар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Бригада партия группасига В. Паевский етакчилик қилаётир. Партгруппа КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини ўрганиб чиқди. Бригада аъзолари, айниқса коммунистлар сифат ва самарадорлик учун курашнинг ташаббускори бўлишяпти.

Коммунист, шаҳар партия комитети аъзоси Ҳикмат Раҳматуллаев, Николай Злобин, Виктор Петров бошлиқ бригада аъзолари ҳам 159-трест фахри бўлишмоқда. Уларнинг изланиши туфайли бригада, бошқарма, трест ойлик ҳамда квартал план-топшириқларини ортиғи билан бажараётир.

— Ҳар бир ишда жўшқинлик касб этиш мумкин, — дейди 159-трест партия комитети секретари И. Прасолов, — Бунинг учун ҳар бир одамда ўз ишига масъулият, қизиқиш бўлиши керак. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материаллари шунга ундаяпти. Биз ўз ишимизни лозим даражада қайта қуриб ололмаяпмиз. Тўғри, социалистик мусобақа якунларини ўз вақтида чиқаряпмиз. Трестнинг машҳур кишилари «Ҳурмат тахта»дан ўрин олган. «Кўргазма тахта»мизда планларнинг бажарилишини қайд қилиб бораяпмиз. Бригадалараро, участкалараро социалистик мусобақа давом этмоқда. Барибир, баъзи расмиятчиликдан қутулганимизча йўқ.

Бугунги кун ҳар бир кишидан янада масъулият ва маҳорат билан ишлашни талаб қилмоқда. Бусиз ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириб бўлмайди. Зотан, экономикани ривожлантиришнинг жўшқин суръатларига эришишда социалистик мусобақанинг ролини кучайтириш лозим.

М. ПИРМАТОВ.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип-йигирув фабрикаси тараш цехида реконструкция ишлари амалга оширилгач, меҳнат унумдорлиги икки баравар ўсди. Цехда эскирган ускуналар ўрнига «Текстима» фирмасида тайёрланган замонавий машиналар ўрнатилган.

Йигирув цехида машиналар ҳам тўла ўзгартириляпти. Бу ерда «Таштекстильмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар ўрнатиляпти. Монтаж ишлари графикдагидан анча тез бажариляпти. Бу ердаги ишлар сентябрь ойида тугалланади. Улар ҳаммаси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, шунингдек тўқимачиларнинг меҳнат шароитини анча яхшилаш имконини беради.

СУРАТДА: комбинатнинг ип-йигирув фабрикаси тараш цехидаги янги ўрнатилган машиналарда ишлашни илғор ишчи, комсомол аъзоси Латофат Усмонова тез ўзлаштириб олди. У ҳозирги кунда смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажаряпти.

Р. Шамсутдинов фотоси.
ЎзТАГ фотохроникаси.

### Идеология ишлари хроникаси

## ПРОПАГАНДИСТЛАР—БЕШ ЙИЛЛИККА

КПСС XXVII съезди қарорларини изчил амалга ошириш учун курашга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир пропагандист, идеология активистининг муҳим бурчи ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми улар олдига ғоятда актуал вазифалар қўйди. Ана шу вазифаларни амалга оширишга кишилар ғайрат-шижоатини сафарбар этиш, инсон омилини активлаштириш лозим. Ҳамза районининг кўп сонли пропагандистлари ана шунга интилмоқдалар.

Бу ерда пропагандистларнинг ўқуви, тематикани тасдиқлаш ва ҳисобот бериб туриш системаси яхши натижа беряпти. Пропагандистлар «Пропагандист — беш йилликка» ҳаракатида актив қатнашдилар. Шунингдек, улар «Социалистик интизомни идеологик жиҳатдан таъминлайлик» ҳаракатида ҳам фаол қатнашишяпти. Уларнинг сиёсий ва иқтисодий таълимни ташкил этишдаги кўпгина тажрибалари бошқаларга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Бу ерда сиёсий ва иқтисодий таълим системасини қайта қуриш, унинг ҳаёт билан алоқасини янада мустаҳкамлаш тадбирлари белгилаб олинди. Идеологик ишларда меҳнат кишилари билан жонли иш олиб боришга, улар билан индивидуал ишлашга, таъсир этишнинг самарали форма ва методларини излашга эътибор қаратилмоқда.

## ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАГА

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг идеология активистлари меҳнат коллективларида, турар жойларда кишилар билан самимий ва очиқ суҳбат олиб боришга катта эътибор беришяпти. Идеологик ишлар марказини жонли инсон ташкил этяпти. Бу эса КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми талабларига ҳамоҳангдир. Бу борада айниқса меҳнаткашларни қабул қилиш ва уларнинг хат ҳамда шикоятлари билан ишлашни яхшилаш, жамоат фикрини, кишилар кайфиятини ўрганиш системасини такомиллаштиришни янада яхшилаш лозим.

Чкаловликлар «Сизнинг кайфиятингиз» хизматини ташкил этишганки, у ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг комплекс системаси доирасида диққатга сазовор тажриба ҳисобланади. Улар бу ишни янада такомиллаштириш, унинг ошкоралигини оширишлари лозим.

Шу кунларда барча пропагандистлар, идеология активистлари социалистик мусобақани янада ривожлантириш, илғорларни рағбатлантиришнинг маънавий омилларини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

### Техника тараққиёти йўлида

## Эритмасиз... қотишма

Тошкент политехника институтининг муаллимлари турли металларнинг ионлари воситасида материалларни легирлаш методини таклиф қилдилар. Улар ноёб хоссаларга эга бўлган материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бундай материаллардан экстремал шароитларда фойдаланиш мумкин бўлади.

Бу ерда яратилган ион-плазма қурилмасида дастлабки материал, у металл, ярим ўтказгич ёки изолятор бўлишидан қатъий назар, ионлар билан бомбардимон қилинади. Ионлар модда орасига кириб боради, натижада белгиланган хоссали қотишма ҳосил бўлади. Бундай қотишма эмиссияга осон берилади, иссиқбардош бўлиб қолади, катта босим ўзгаришларида ҳам ишлай олади.

Шу материалдан ясалган электрон-нур приборлари камроқ энергия ишлатади, уларнинг иш сифати ортади, хизмат муддати узаяди.

Институт лабораторияларида янги материалдан бир қанча приборлар ясалиб, халқ хўжалигида ишлатилмоқда.

...Босим ўлчайдиган митти тензодатчик кафтга сиғади. У турли моддалар қўшилган кремнийдан ясалган. Янги прибор аввалгисидан 10—13 баравар сезгир.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари шу янгиликдан фойдалана бошладилар. Врачлар суяклар битаётганида юкнинг таранглик кучини шу прибор ёрдами билан ўлчамоқдалар.

## НУР ЁРДАМИ БИЛАН

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг мутахассислари пахта толасининг узунлигини нур ёрдами билан ўлчашни ўрганиб олдилар. Улар яратган асбоб толанинг йигирувчилар учун зарур бўлган асосий характеристикаларини тез ва аниқ белгилайди.

Ҳозирга қадар ишлатилиб келинган механик приборлар қўпол бўлиб, тола характеристикасини унча аниқ белгиламасди. Уларда ишлаш учун кўп вақт ва қўл меҳнати сарфланарди. Натижада калава сифати пасаярди.

Ихтирочилар оптик иш принципини ўз приборларига негиз қилиб олдилар. Бу прибор бир сменада 50—60 хом ашё намунасининг парометрларини белгилаб бера олади.

## БЕЛЛАШУВ ҒОЛИБЛАРИ

Шаҳримиздаги «Подъёмник» заводи коллективи беш йилликнинг биринчи йили план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада актив қатнашмоқда. Зарбдор вахтада ҳозирча корхонанинг металл конструкциялари цехи ва экспорт маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи участка ишчилари пешқадамлик қилишаётир. Куни-кеча корхона коллективи Монголия ва Кубага навбатдаги туркум буюртма маҳсулотларини жўнатди.

Бригадалар ўртасидаги мусобақада В. Шеклеин бошлиқ йиғувчи слесарлар коллективи олдинда бормоқда. Кунлик смена топшириқларини 140 процентга етказиб адо этаётган бригада ишчилари ўз зиммаларига олган мажбуриятни — йиллик планни Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришга жазм этишди.

(«Тошкент оқшоми» ва ЎзТАГ мухбирлари).

### Замондошимиз



Тошкент тўқимачилик комбинатининг Акмал Икромов районида ишга туширилган 4-йигирув-тўқув фабрикаси айниқса хотин-қизлар учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Кўплаб аёллар, қизлар ана шу корхонадан ўзларига муносиб иш жойини эгалладилар. Шулардан бири ёш ишчи Дилбар Қаюмовадир. Бу ёшгина қиз йигирувчилик касбининг сир-асрорини катта корхонада —тўқимачилик комбинатида машҳур тўқувчиларнинг қўлида олти ой мобайнида меҳр ва муҳаббат билан ўрганди. Эндиликда эса унинг қўлидан яхшигина иш келадиган бўлиб қолди. Фабриканинг йигирув цехида бу қизни кўпчилик яхши ҳурмат қилади. Унинг ёш ишчига хос фазилатлари топшириқларини ўз вақтида ва ошириб бажариш, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиш, техника воситаларини ва материалларни яхши сақлаш ва тежашдир. Ўз ишига меҳр қўйган бу қиз ойлик топшириқларни 115—120 процентгача етказиб бажаришга эришмоқда.

Бу фабрикада Дилбар ягона эмас. Унинг ўзига ўхшаш дугоналари кўпчиликни ташкил этади. Булар Заҳро Эрназарова, Дилфуза Абдумуталова, Феруза Бойматова, Гулнора Раззоқова ва бошқа қатор лобар йигирувчи қизлардир.

800 га яқин хотин-қиз меҳнат қилаётган йигирув-тўқув фабрикаси ой сайин районнинг фахри бўлиб бормоқда. Корхона коллективи олти ойлик топшириқни 106 процент қилиб бажаришга эришди. Шу кунларда эса бу ерда қизғин меҳнат палласи авжга чиқиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан илҳомланган коллектив ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, аҳолига манзур бўладиган маҳсулот тайёрлаб, ҳар бир участкада, ҳар бир бригадада материал ва энергетика ресурсларини тежаб қолишга қатъий риоя қилмоқда. Мурожаатдан руҳланган коллективнинг бу йилги аҳди йиллик топшириқни муддатидан илгари— 25 декабрда шараф билан бажаришдир.

Т. Каримов фотоси.

## БУГУН—АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДА

## МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Шу кунларда «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг диққат-эътибори болаларга аталган молларни кўпроқ ва сифатли ишлаб чиқаришга қаратилган. Ана шу мақсадда Бутуниттифоқ тикувчилик саноати илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали мутахассислари билан ҳамкорликда корхонанинг 1-цехида болалар кўйлакларини тикиш бўйича иккита механизациялашган комплекс поток линия ишлаб чиқилди. У ана шу цехда меҳнат унумдорлигини кескин оширади ва тикувчиларнинг иш шароитини яхшилайди.

Бирлашмада ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. А. Алимов ва Б. Муҳаммаджонов бошчилик қилаётган иккинчи ва тўртинчи тикув цехларининг коллективлари бу мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШМОҚДА

С. Грязнов бошчилик қилаётган болалар учун сут тайёрлаш цехи сут комбинатининг илғор участкаси ҳисобланади. Бу ерда болалар учун чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури йил сайин кўпайиб бормоқда. Яқинда бу ерда чақалоқлар учун витаминлаштирилган сут ва кефир ишлаб чиқариш бошланди. Бундан ташқари корхона мутахассислари янги маҳсулот — чақалоқлар учун тўйимли озуқа — диолакт тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишмоқда.

Ҳозир корхонада барча ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган. Тайёр маҳсулотларни омборларда сақлаш ва транспортга ортишда қўл келадиган механизация воситаларини ишга тушириш бошланди.

### Қурилишлар ҳашарга чорлайди

## Янги туғруқхонада

Тошкент меҳнаткашлари волгаликларнинг қурилишларда тўрт бўш куни ишлаб бериш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Акмал Икромов райони корхона ва ташкилотларининг коллективлари бу ҳайрли ишга енг шимариб қўшилдилар.

«Чевар», «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмалари, булка-кондитер ва сут комбинатлари, «Тепломонтажстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси, район ижроия комитети ва соғлиқни сақлаш бўлими Октябрь районида бунёд этилаётган туғруқхона биноси қурилишида ҳашар ўтказиш графигини тузиб чиқишган.

Ишчи ва хизматчилар бу саломатлик маскани тезроқ ишга тушиши учун ҳашарларда фаол қатнашмоқдалар.

## «Красноград-1»

«Средазгазавтоматика» заводининг коллективи ўзлаштираётган янги маҳсулот ана шундай номланган. У қудуқларни бурғулаш жараёнида ишлатиладиган такомиллашган ускуналар комплексидир. Соддароқ қилиб айтганда, бурғулашни бошқариш пульти, деб аталади. Унинг конструкцияси Андижон мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Янги техника ёрдамида бурғиловчилар ишнинг бориши тўғрисида тўла ва аниқ маълумотга эга бўладилар, ишнинг тез битишига доир оқилона йўлни танлайдилар.

Корхона ана шу техниканинг дастлабки икки тажриба намунасини шу ойда ишлаб чиқаради. Улар Харьков областидаги Краснодар шаҳрида синовдан ўтказилади.

### Уй муборак

## Қулай ва чиройли

Районнинг К—25 кварталида «Главташкентстрой» бошқармасининг 153-қурилиш трести бинокорлари бунёд этган 400 ўринли ётоқхона чиройли қурилганлиги билан диққатни жалб этмоқда. Унга Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари кўчиб кирмоқдалар.

Бундан ташқари ана шу кварталда тўрт блокли уй-жой биноси ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди. У кичик оилалар учун мўлжалланган.

Кейинги пайтларда районда уй-жой бинолари қурилишига катта аҳамият берилмоқда. Ғафур Ғулом кўчасида қад ростлаётган тўққиз қаватли уй-жой биноси ҳам ҳадемай кўплаб оилаларни хурсанд қилади. Шу йилнинг III кварталида тайёр бўладиган бу уйни 3-уйсозлик комбинати азаматлари қуришмоқда.

## Икки янги маршрут

Райондаги 18-автобус парки коллективи йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида иккита янги автобус маршрутини ташкил этди.

Метронинг «Чилонзор» станцияси ва Калинин районидаги Ленин номли колхоз, Бирлик массиви ва Хадра майдони оралиғида қатновчи янги 95 ва 190-автобус маршрутлари йўловчиларга қулай бўлди.

Транспорт корхонаси коллективи шу йилнинг биринчи ярим йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарди. Йил бошидан буён 21 миллиондан ортиқ йўловчи манзилларига етказиб қўйилди. Илғор ҳайдовчилар— коммунистлар Э. Бегматов, В. Хоторченков, комсомол аъзоси А. Абдуллаев, меҳнат зарбдори Р. Назаров ойлик топшириқларни 110 процентдан бажармоқдалар. Корхонада қолоқлар ой сайин камайиб бормоқда. Ҳайдовчиларнинг йил бошидан буён тежаган ёқилғи ва материаллари салмоқлидир. Бунинг эвазига аҳолига икки кун транспорт хизмати кўрсатиш мумкин.

## Ёзувчи номи билан аталади

Ўзбек совет адабиётининг улкан вакили Абдулла Қаҳҳор асарлари севиб ўқилади. Бешқайрағоч массивида ёзувчи номи билан аталган маданият уйи бор. У аҳолига маданий хизмат кўрсатиш билан бирга, китобхонларни адибнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириб бормоқда. Жумладан, Янгиобод маҳалласида ўтказилган кеча «Маданият уйи ёзувчи номи билан аталади» деб номланди.

Кечада иштирок этган адибнинг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова, ёзувчи Носир Фозилов, шоир Ҳайдар Муҳаммад атоқли сўз устасининг бой ижоди ҳақида гапириб бердилар.

Кечада Тошкентдаги янги сатира театри артистлари адибнинг «Тобутдан товуш» асаридан парчалар кўрсатишди. Томошабинлар театр санъаткорлари ижросида кўрсатилган парчаларни самимий кутиб олдилар.

### Бугун Тошкентда ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда

# Меҳнатсиз даромадга йўл йўқ

«Меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтириш — социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва социал адолат принципини амалга оширишнинг муҳим шарти». Бугун Тошкент шаҳрида ўтаётган ягона сиёсий кун мавзуси шу масалага бағишланган.

Сиёсий докладчилар меҳнат коллективларида ва турар жойларда сўзга чиқишиб, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумларининг шу қарорга тааллуқли Фармонларининг моҳияти, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдаги аҳамиятини кенг халқ оммасига тушунтириб бермоқдалар.

Ягона сиёсий кунда меҳнат ва истеъмол меъёри устидан умумхалқ назорати ўрнатилган, социалистик турмуш тарзига ёт ва ҳалол меҳнаткашлар манфаатига қарама-қарши бўлган ярамас иллатларга қарши актив кураш олиб борилган тақдирдагина ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тадбирлар кутилган самарани бериши мумкинлиги ҳақида гап бормоқда.

